

# Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2013-yil 29-may, chorshanba № 40 (15678)

Navqiron avlod so'zi

## Тафаккур шамчироғи

Техника асрида яшайпмиз. Кун сайин ҳаётимизда янги-янги электротехника, ахборот-коммуникация воситалари пайдо бўляпти. Бироқ бу ашёлар инсониятнинг китобга эҳтиёжини боса оладиган даражага етгани йўқ ва етолмайди ҳам. Таниқли ёзувчиларимиздан бирининг таъбири билан айтганда, дўконга кириб, китобни танлаб, ундан таралаётган бўйни туйиб харид қилишнинг завқи ўзгача.

Шу йилнинг 23-24 май кунлари юртимиз бўйлаб ўтказилган китоб байрами китобхон тенгдошларимиз, ука-сингилларимизнинг маънавий ҳаётида унутилмас воқеа бўлди. Китобга меҳри, қизиқиши билан ёш ўқитувчи сифатида мен ҳам пойтахтимизда ташкил этилган китоб байрамида қатнашдим. Кўча-кўйда, баъзан ҳамкасбларим даврасида, ёшлар китоб ўқишдан кўра, мобил телефонни яхши кўради, деган гапларни эшитардим. Шу боис китоб байрамида йиғилган китобсевар юртдошларимизни, юзлаб китобхон ёшларни кўриб, севиндим. Юртимиздаги йирик нашриётлар томонидан чоп этилган турфа китобларни бир-бирига гал бермай, қўлма-қўл кўраётган, харид қилаётган йигит-қизлар, болалар кўзларидаги китобга интилиш мени ҳам китоб расталари томон етаклади. Ўзим учун, дарсда ўқувчиларимга кўрсатиш, ўқиб бериш учун китоб жавонимда йўқ ажойиб китоблардан олдим. Юртимизда шундай гўзал анъанани бошлаган, ёшлар маънавияти учун қайғурган инсонларга кўнглимда чуқур миннатдорлик туйдим.

Китоб — бебаҳо мулк, инсон маънавияти ва дунёқарашини юксалтирувчи муҳим манба. Уни мутолаа қилган инсон кенг дунёқараши, билими, мулоҳазаси билан бошқалардан ажралиб туради. Шу боис дарсдан бўш вақтларда ўқувчилар билан китоб мутолааси бўйича фикрлашамиз, ёшларнинг қандай китоблар ўқиганини, мулоҳазаларини қизиқиб тинглайман. Мутолаа борасида тажрибаларимни ўртоқлашаман.

Атоқли адиб Асқад Мухтор, китоб — бойлик, сотиб олингани эмас, ўқилгани, дея бежиз айтмаган. Зеро, китобни сотиб олишдан мақсад ҳам уни ўқиш, тафаккурни бойитишдир.

Китоб чоп этилар экан, у, албатта, китобхонларнинг маънавий эҳтиёжини босиши учун хизмат қилиши назарда тутилади. Китоб байрамини ташкил этиш замиридаги муддао ноёб адабиёт дурдоналарини расталарда чанг бостирмасдан, асл эгаларига, китобсеварларга етказиш бўлгани, шубҳасиз.

Бугун китобхонликни кенг тарғиб этиш, китоб мутолаасини оммалаштириш борасида юртимизда амалга оширилаётган беқиёс ишларга барчамиз гувоҳмиз. Барча ахборот-ресурс марказлари компьютер ва интернет билан таъминланиб, китобхонлар турли асарларнинг электрон шаклини ўқиш имкониятига эга бўлишяпти. Бу ҳаммаси юртимиздаги тинчлик-осудалик, ҳаётимизнинг кун сайин фаровонлашаётгани самарасидир.

**Нодира ДУШАЕВА,**  
**П.Боровский номидаги тиббиёт коллежи ўқитувчиси**



4-, 5-бетларга қаранг

## Ёшлик, истеъдод ва дўстлик байрами

Хоразм вилоятида «Талабалар баҳори — 2013» фестивали бошланди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёшларнинг баркамол инсонлар бўлиб вояга етиши, илм-фан сирларини мукамал эгаллаши, истеъдодини тўлиқ намоён этиши учун барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилмоқда. Энг замонавий ўқув-техника воситалари билан жиҳозланган

ахборот-ресурс ва ижодиёт марказлари, спорт мажмуалари ёшлар ихтиёрига берилган. Юртимиз ўғил-қизларининг истеъдодини рўёбга чиқариш мақсадида ташкил этилган турли кўрик-танловлар, илмий-амалий анжуманлар, фестиваллар, тадбирлар навқирон авлод вакилларининг кўп

қиррали интеллектуал салоҳиятини намоён этишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири иқтидорли, ташаббускор ва фаол ёшлар байрами — «Талабалар баҳори» фестивалидир.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан қатор вазир-

лик ва идоралар ҳамкорлигида олий ўқув юрталари талабалари ўртасида илмий-ижодий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, уларнинг ўзаро тажриба алмашиши ҳамда илмий фаолият олиб боришда бир-бирига кўмаклашиши учун шарт-шароитлар яратиш, ёшларни фан-техника тараққиёти йўлида бирлаштириш мақсадида ўтказиб келинаётган мазкур фестивалга жорий йилда кўҳна ва ҳаммиша навқирон Хоразм вилояти мезбонлик қилмоқда.

(Давоми 3-бетда)

## Hududlardan mujdalar

ФАРФОНА ВИЛОЯТИ

**Айни кунларда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасида футбол бўйича «Камолот» кубоги республика турнири ўтказилмоқда.**

Яқинда Учкўприк саноат касб-хунар коллежида мусобақанинг туман босқичи бўлиб ўтди. Унда Учкўприк туманидаги олти касб-хунар коллежи жамоалари иштирок этди. Чиройли ўйинларга бой бўлган мусобақада Учкўприк қурилиш ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежининг «Учкўприк» жамоаси ғолиб бўлди.

Мазкур жамоа турнирнинг вилоят босқичида туман шарафини ҳимоя қилади.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

**Боёвут туманидаги 69-мактабда «Камолот» шахмат тахтаси» VI аънавий турнирининг туман босқичи ўтказилди.**

Турнирда 132 нафар ёш шахматчи 6 — 12, 13 — 16, 16 — 19 ёш тоифаси бўйича беллашди. Халқаро низом асосида ўтган мусобақа ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилди. Қизиқarli ва мурасасиз ўйинларга бой бўлган турнир сўнггида 6 — 12 ёшлилар ўртасида ўғил болалардан Абдугани Очилов, Сардор Жумаев, қиз болалардан эса, Маҳбуба Тошбоева ғолиб бўлди. 13 — 16 ёшлилар орасида Жасур Очилов, Санжар Мусаев, Шаҳноза Қосимова, 16 — 19 ёшлилар орасида эса, Дилноза Ҳазраткулова, Наргиза Жумуқова, Баҳодир Ҳотамов ғолиб бўлди.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

**Вилоятда «Мутахассислик — сенинг келажагинг» кўргазма ярмаркалари бўлиб ўтди.**

«Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши, халқ таълими, ўрта махсус, касб-хунар таълими, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармалари ҳамкорлигида ўтказилган ушбу кўргазмаларда мактаб битирувчиларига ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларидаги мавжуд мутахассисликлар бўйича маълумотлар берилди. Кўргазма доирасида бандликка кўмаклашиш ва аҳолини иш билан таъминлаш марказлари томонидан бўш иш ўринлари ярмаркалари ҳам ташкил этилди. Ярмаркаларга ҳудудлардаги барча умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари битирувчилари таклиф этилди.

# Ҳуқуқингизни биласизми, муаммо ечимини-чи?

Пластик картангиз орқали тоғангиз номидаги уйнинг коммунал тўловларини тўлашингиз мумкинми? Ёки пластикдаги пул маблағини нақдга айлантиришда сиздан қўшимча фоиз ставка талаб этилса, нима қиласиз? Ўз ҳақ-ҳуқуқини билганларда жавоб тайин, лекин қонунни яхши билмайдиганларда-чи?... Демак, ҳар биримиз ўз бурчимизни, ҳақ-ҳуқуқларимизни яхши билишимиз зарур.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида аънавий тарзда ўтказиб келинаётган «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танлови ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва фаол фуқаролик позициясига эга бўлишига кўмаклашмоқда. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўрта махсус касб-хунар таълими маркази, Адлия ва Ички ишлар вазирликлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Суди ҳамкорлигида ташкил этилаётган ушбу танлов — саралаш, туман, ҳудудий ва республика босқичларида бўлиб ўтмоқда. Танлов иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари бўйича ўз билимларини синовдан ўтказиш билан бирга, давлатимиз томонидан олиб борилаётган демократик сиёсатнинг амалий натижалари, ёшларимизга яратиб берилган имкониятлар ва ушбу имкониятлардан унумли фойдаланиш, шунингдек, турли иллатлар гирдобига тушиб қолмаслик учун нималар қилиш лозимлиги хусусида ахборотларга эга бўлишади.

Иштирокчилар бешта шарт бўйича беллашади. Улар «Фуқаролик, жиноят ва ҳўжалик процесси» шариҳида ўқувчани раёнида ўрганаётган масалалардан фойдаланган ҳолда жамиятда учрайдиган айрим ижтимоий-ҳуқуқий муаммоларни сахна чиқишлари орқали намойиш этиш билан биргаликда ушбу ҳолатларни бартараф этишга қаратилган таклиф ва тавсияларини ҳам билдиришади.

Жорий йилнинг март-апрель ойларида танловнинг куйи босқичлари республика миқёсидаги барча туман ва вилоятларида юқори савияда ўтказилиб, уларда эллик мингдан зиёд ўқувчи-ёшлар қатнашди. Ҳудудий босқичларда ғолибликни қўлга киритган ўн тўртта жамоанинг 126 нафар аъзоси Нукус шаҳрида «Сиз қонунни биласизми?» танловининг республика босқичида учрашди.

Танлов иштирокчилари Нукус шаҳрида жойлашган Бердақ хайкали пойига гулчамбарлар қўйиб, сўнг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгашида бўлиб, унинг фаолияти билан яқиндан танишдилар. Жамоалар сардорлари ва аъзолари

Жўқорғи Кенгашнинг қўмита раиси Б.Нурабуллаев билан ташкил этилган учрашувда Қорақалпоғистонда мустақиллик йилларида амалга оширилган ислохотлар, ёшларга яратилаётган имкониятлар ҳақида ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар. Танлов қатнашчилари Нукус шаҳрида замонавий меъморилик услубида барпо этилган спорт мажмуасида бўлишди. Улар бу ерда Ўзбекистон ва жаҳон миқёсида ўтказилган мусобақаларда совринли ўринларни қўлга киритган қирқ нафар қорақалпоғистонлик спортчи ёш билан мулоқот қилишди.

Иштирокчилар Нукус шаҳрида янгидан барпо этилаётган болалар истироҳат боғида бўлишди, янги қурилган бадий гимнастика зали билан танишдилар, театрда «Ҳалол меҳнат» номли кўғирчоқ спектаклини томоша қилишди. Маданий дастур иштирокчиларнинг Нукус шаҳридаги И.В.Савицкий номидаги санъат музейига ташрифи билан якунланди.

Иккинчи кун Бердақ номидаги мусиқали драма театрида кўрик-танловнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазири С.Худойбергенов, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Ф.Муҳаммаджонова сўзга чиқди.

Танловда жамоаларнинг чиқишларини «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, ҳакамлар ҳайъати раиси Феруза Муҳаммаджонова, ҳайъат аъзолари — Ўзбекистон Республикаси Олий Суди тадқиқот маркази бўлим бошлиғи М.Раҳматов, Ички ишлар вазирлиги Бошқарма бошлиғи ўринбосари А.Юсупов, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази масъул ходими И.Матчонов, Тошкент давлат юридик институти профессори М.Баротов баҳолаб борди.

Мусобақа натижаларига кўра, биринчи ўринни Нукус ижтимоий-иқтисодий коллежининг «Адолат қалқони» жамоаси, иккинчи ўринни Ўзбекистон Миллий университети қошидаги С.Сирождидинов номидаги академик лицейнинг «Адолат» жамоаси, учинчи ўринни Андижон вилояти



Булоқбоши тумани ижтимоий-иқтисодий педагогика коллежининг «Фемида» жамоаси эгаллади. Шунингдек, «Энг яхши бадий чиқиш» номинацияси ғолиблигига Бухоро юридик ва маиший хизмат касб-хунар коллежининг «Қомус» жамоаси, «Энг яхши гоё» номинацияси ғолиблигига Жиззах вилояти Дўстлик тиббиёт коллежининг «Ҳуқуқ тарғиботчилари» жамоаси, «Конституция билимдонлари жамоаси» номинацияси ғолиблигига Қарши давлат университети қошидаги 2-академик лицейнинг «Миранда» жамоаси, «Энг яхши нотик» номинацияси ғолиблигига Нурота қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежининг «Адолат издошлари» жамоаси, «Энг яхши видеоролик» номинацияси ғолиблигига Чортоқ педагогика коллежининг «Адолат» жамоаси, «Энг яхши таклиф» номинацияси ғолиблигига 1-Самарқанд педагогика коллежининг «Адолат» жамоаси, «Энг зукко жамоа» номинацияси ғолиблигига Сирдарё вилоятининг «Ёш ҳуқуқшунослар» жамоаси, «Энг яхши тақдимот» номинацияси ғолиблигига Шеробод тумани агросаноат касб-хунар коллежининг «Фемида» жамоаси, «Энг яхши ҳуқуқ билимдонлари» номинацияси ғолиблигига Оққўрғон тумани агросаноат ва тадбиркорлик касб-хунар коллежининг «Парвоз» жамоаси, «Казусга энг яхши ечим» номинацияси ғолиблигига Қўштепа тумани транспорт касб-хунар коллежининг «Шижоат-нур»

жамоаси, «Энг намунали жамоа» номинацияси ғолиблигига Боғот маиший хизмат ва ахборот технологиялари касб-хунар коллежининг «Қалқон» жамоаси сазовор бўлди.

Танлов шартларига мувофиқ, иштирокчилар томонидан жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга қаратилган бир қатор таклифлар берилди. Жумладан, ёшларга оддий тилда ҳуқуқий соҳадаги ислохотларни, қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини тушунириб берувчи ҳуқуқий газеталарни нашр этиш, шу йўналишда ижтимоий ролик ва теледастурларни яратиш, ҳар бир ҳудудда ёшларга ҳуқуқий маслаҳат берувчи марказлар фаолиятини йўлга қўйиш, глобаллашган ахборот бозорини таҳдидларни эътиборга олган ҳолда интернетдан фойдаланиш маданиятини оширишга қаратилган танловларни кўпайтириш, умумий ўрта таълим муассасаларида болалар манфатларини ҳимоя қилувчи қонунчилик асосларини тарғиб этиш мақсадида «Ёш ҳуқуқшунослар» клубларини ташкил этиш ҳамда улар ўртасида танловлар ўтказиш каби таклифлар билдирилди.

Ғолибликни қўлга киритган ҳамда танловда фаол иштирок этган ўқувчилар ташкилотчилар томонидан диплом, фахрий ёрлик ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

**Рустам ЮСУПОВ,**  
«Turkiston» мухбири

# Ёшлик, истеъдод ва дўстлик байрами

(Давоми, боши 1-бетда)

— Ушбу фестивалда биринчи марта қатнашимиз, — дейди Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти талабаси Тўлқин Тўраев. — Фестивални ўтказишга катта тайёргарлик бўрилганига гувоҳ бўлдик. Байрамона безатилган Урганч темир йўл вокзалида бизни гуллар, карнай-сурнай садолари билан кутиб олдилар.

Фестиваль иштирокчиларининг Хоразм вилоятига ташрифи Жалолiddин Мангуберди ҳайкали пойига гул қўйиш билан бошланди.

— Талабалар анжуманида иштирок этаётганимдан беҳад хурсандман, — дейди Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти етакчиси Хусанжон Тўхтаев. — Бу заминда камол топиб, дунёга доврўқ таратган улўғ бобокалонларимиз қадамжоларини зиёрат қилиш ва уларнинг мероси билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлганимдан фахрланаман.

Фестивалнинг тантанали очилиши Урганч шаҳридаги «Авесто» боғ-мажмуасидаги амфитеатрда бўлиб ўтди. Маросимда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раиси Б.Ғаниев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда баркамол авлодни тарбиялаш, уларнинг истеъдоди ва интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш ҳамда ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Фестиваль доирасида мамлакатимиздаги барча олий ўқув юртларидаги таълим йўналишлари ҳамда талаба-ёшларнинг билим ва муайян мутахассисликни эгаллаши учун яратилган шарт-шароитлар ҳақида битирувчилари ҳам жалб этилди.

— Мазкур тадбирнинг «Авесто» боғ-мажмуасида ташкил этилиши ўтмиш ва бугуннинг узвий боғлиқлиги ҳамда ажод-

ларимизнинг боқий маънавий мероси мустақиллик туфайли ёшларимиз томонидан кадрланаётганининг яна бир ёрқин ифодаси бўлди, — дейди Урганч давлат университетининг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори Санжар Давлетов. — Огаҳий номидаги вилоят театри актёри Комилжон Тожиев томонидан яратилган Жалолiddин Мангуберди сиймоси фестиваль иштирокчиларига гурур ва фахр туйғуларини бахш этди.

Анжуман дастуридан ўрин олган «Қувноқлар ва зукколар», «Нихол» талабалар театри томошалари танловлари, «Заковат» интеллектуал ўйини, спорт мусобақалари талабаларнинг билим, иқтидор ва маҳоратини ривожлантиришга хизмат қилади. «Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қилиш ва барқарор экологик муҳитни яратиш» мавзусидаги илмий анжуман, ёшлар экологик акцияси давомида иштирокчилар депутатлар, соҳа мутахассислари ва ёш олимларнинг маърузаларини тинглаш билан бирга, мавзу бўйича ўзларининг фикр-мулоҳаза ва таклифларини билдирдилар.

Фестивалнинг очилиш маросими концерт дастури билан якунланди.

Фестивалнинг очилишида Хоразм вилояти ҳокими П.Бобожонов иштирок этди.

**Аҳмаджон ШОКИРОВ,**  
**ЎЗА мухбири**

Shunday markaz bor!

# Ҳам бепул, ҳам самарали

Нигора Жиззах шаҳрида тадбиркорликка оид тадбир ва семинарларда қатнашиб юради. Айниқса, ҳар ҳафта чоршанба куни «Микрокредитбанк»нинг вилоят филиалида тадбиркорлар учун ташкил этиладиган семинарларда қатнашишни канда қилмайди. Тадбиркор бўламан, хусусий тикув цехи очаман, дея ният қилиб юрган Нигора Расулова яқинда банкдан кредит олиш арафасида. Керакли ҳужжатларни тўплаб, банкка топшириб қўйган. Ҳозирча у тўрт миллион сўм кредит олиб иш бошламоқчи. Унинг айтишича, жой масаласи ҳам ҳал бўлган. Яқинда шаҳардаги «Эски жўва» буюм бозори ҳудудида унинг хусусий тикув цехи фаолият бошлайди. Бунда унга дугонаси Комила Оқмуродова шерик бўлиб, тадбиркорликни бирга олиб бормоқчи.

Биз Нигора ҳақида гапира туриб, унинг бу қизиқишларига омил бўлган нарсалар ҳақида айтишни мақсад қилгандик. Хуллас, «Камолот»нинг Жиззах шаҳар кенгаши қошидаги «Ёшлар ижтимоий хизматлари» марказидаги тикувчилик тўғра-рагида қатнашдан олдин унда бундай фикрлар умуман йўқ эди, ҳисоб. У бу ерда тўғарак раҳбари Гавҳар Усмоновдан нафақат тикувчиликнинг сир-

тикувчиликни ўрганмоқда. Икки йилдан буён тўғарак раҳбари бўлиб ишлаётган Гавҳар Усмоновнинг айтишича, уч ойлик курсларни тугатиб кетаётган қизларнинг кўпчилиги хусусий тикув цехларида фаолият кўрсатмоқда.

Компьютер саводхонлиги тўғрагининг фаолияти ҳам жуда самарали. Айтгандек, бу ЁИХМ Олий Мажлис ҳузур-идаги нодавлат нотижорат



лик тўғарагида ҳам шундай: бир нечта «Ямата» русумли тикув машиналари ўрганувчилар учун ҳозир нозир.

— Муболаға деманг, ҳозир қаерга иш сўраб борманг, кимлигини сўрашдан ҳам олдин компьютердан саводингиз қай даражадалигини сўрайди, — дейди компьютер саводхонлиги тўғараги раҳбари Жаҳонгир Турсунов. — Икки йил олдин бу ерда фаолиятимни бошлаганимда, аҳвол жуда ачинарли эди. Дастлабки пайтлар бундай бепул тўғаракдан қандай самара кутиш мумкин, дея ишонқирамай қайтиб кетганлар ҳам бўлган. Ҳукуматимиз томонидан ёшларга шундай имтиёзлар яратиб қўйилганини, бу ўз самарасини бераётганлигини юртдошларимиз эндиликда яхши англаб олишган. Ўтган чоракда 44 нафар аъзомиз бор эди. Ҳозирда 43 нафар аъзомиз компьютердан саводини оширмоқда. Уларнинг тўрт нафари кам таъминланган оилалар фарзандларидир.

Ёшлигидан компьютерга астойдил қизиққан Жаҳонгир бу соҳадаги билимларни чуқур эгаллади. Эндиликда у ўзгалар билан бу билимларни баҳам кўряпти.

— Жиззах ижтимоий-иқтисодий коллежининг бухгалтерия йўналишини тугатганман, — дейди тўғарак аъзоси Нилуфар Тўйчиева. — Жиззах шаҳар ногиронлар жамиятига аъзо бўлиш учун борганимда, жамият раиси Раҳматилла Каримовдан ушбу тўғарак ҳақида

эшитиб бу ерга келдим. Компьютерда бухгалтерия ҳисоб-китобини ўрганиб олсам, шу соҳада иш топиб фаолият кўрсатмоқчиман. Компьютер бўйича пуллик курсларга ҳам борганман. Аммо бу ердагичалик ўрганолмаганман. Бу тўғарак ҳам бепул, ҳам самарали.

Яна бир тўғарак аъзоси, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Жиззах филиалида фельдшер бўлиб ишлайдиган Феруза Тошнӣезова ҳам шундай фикрда.

Марказ раҳбари Қаҳрамон Аҳбўтаевнинг айтишича, «Баркамол авлод» болалар маркази, вилоят халқ таълими бошқармаси, ногиронлар жамияти билан ҳамкорликда жамоатчилик асосида рус тили, инглиз тили ва тўқувчилик тўғараклари фаолият кўрсатади.

— Ўтган чоракда тўғарак аъзоларидан уч нафарини ишга жойлаштиргандик, — дейди Қаҳрамон. — Марказда турли кўнгилочар тадбирларни ҳам ўтказиб тураемиз. Умидли режаларимиз кўп. Биномизда ишлатилмай бекор ётган омборхона бор. Банкдан етмиш-саксон миллион кредит олсак, ана шу жой ўқув қуроллари ишлаб чиқарадиган цехга айланади...

Марказда иш авжида. Ҳар бир ёшнинг дилида орзулар ғужғон. Демак, марказ юрт қорига ярайдиган ёшларни касбга ўргатишда, тарбиялашда давом этмоқда.

**Шоди ОТАМУРОД,**  
**«Turkiston» мухбири**



асрорларидан, балки «Камолот»нинг ўрни ҳақида, ёш тадбиркорларга берилаётган имтиёزلардан воқиф бўлди.

Жиззах шаҳар ЁИХМда штат асосида учта тўғарак фаолият кўрсатади. Булар — компьютер саводхонлиги, «Ёш чеварлар», «Ёш ижодкорлар» тўғаракларидир. «Ёш чеварлар» тўғараги аъзолари ўтган чоракда 41 нафарни ташкил этган бўлса, бу чоракда 42 нафар (олти нафари кам таъминланган оилалар фарзандлари) аъзо тўғаракда

ташкilotларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг грантига сазовор бўлиб фаолият кўрсатаётган республикадаги ягона марказдир. Шу боис компьютер саводхонлиги тўғараги ҳонаси ҳавас қиладиган даражада жиҳозланган. Хонада замонавий видеопроектор ва мавжуд компьютерлардан ташқари грант эвазига келтирилган янги компьютер ишлаб турибди. Тикувчи-

## Hududlardan mujdalar

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

**Куйи Чирчиқ туманида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажақ овози» ёшлар ташаббуслари маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида ўтказилаётган «Келажақ овози — 2013» кўрик-танловининг туман босқичи бўлиб ўтди.**

Танловда икки юздан ортиқ ўғил-қиз архитектура ва дизайн, ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлари ва техник ишланмалар, тасвирий ва амалий санъат, адабиёт ва публицистика йўналишларида ўз билим ва маҳоратини намойиш этди. Танлов сўнггида олти нафарга яқин ўғил-қиз вилоят босқичида иштирок этиш учун йўлланма олди.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

**Ҳаракатнинг Наманган вилояти кенгаши ташаббуси билан «Мутахассислик — сенинг келажагинг» кўргазмаси ташкил этилди.**

Умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига тўлиқ қамраб олиш, касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлашга қаратилган ушбу кўргазмада вилоятда фаолият кўрсатаётган корхона, ташкилот ва муассасалар, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўз кўргазмалари билан қатнашди. Бу ерда мактаб ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчилари, уларнинг ота-оналари янги ўқув йилидаги мутахассислик йўналишлари ҳамда мавжуд бўш иш ўринлари, меҳнат шартлоари билан яқиндан таништирилди. Юздан ортиқ коллеж битирувчиларига эса, ишга жойлашиш учун йўлланма берилди.

Кўргазма доирасида «Соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз» шиори остида акция ўтказилди. Унда вилоят ОИТСга қарши кураш маркази, вилоят наркологи диспансери мутахассислари томонидан ёшларга ОИВ ва ОИТС, гиёҳвандлик касалликлари ҳақида батафсил маълумот берилди.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

**Шаҳрисабз туманида «Танлаган касбинг — сенинг бахтинг» шиори остида касблар фестивали бўлиб ўтди.**

Фестивалда мактаб битирувчиларига ўзлари қизиққан ва танлаган касблари бўйича сабоқ берувчи ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари фаолияти, уларда яратилган шартит ва имкониятлар ҳақида зарур маълумотлар берилди.



# Авлодлар эътибордан камол топади

Мамлакатимизда болаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини таъминлаш мақсадида бир қатор қонунлар қабул қилинган. «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги, «Таълим тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари шулар жумласидандир.

1992 йил 9 декабрда, яъни Конституциямиз қабул қилинган куннинг эртасигаёқ Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция Ўзбекистон қўшилган инсон ҳуқуқларига оид дастлабки халқаро ҳужжатлардан биридир. Бундан ташқари, бир қатор халқаро ҳужжатлар Ўзбекистон Парламенти томонидан ратификация қилинган. Халқаро меҳнат ташкилотининг ишга кириш учун энг кам ёш ва болалар меҳнатининг энг ёмон шаклларида барҳам беришга бағишланган конвенцияларини ҳамда одам савдоси тўғрисидаги Палермо Протоколи, Ўзбекистон Республикасининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга доир, Болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига тааллуқли факультатив протоколи (Нью-Йорк, 2000 йил 25 май) ҳамда Болаларнинг қуролли можароларда иштирокига тааллуқли факультатив протокол (Нью-Йорк, 2000 йил 25 май) ратификация қилинган.

Айтиш керакки, болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя

қилиш борасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳам қатор ишларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, Қонунчилик палатасининг 2011 ва кейинги йилларга мўлжалланган қонунчилик, назорат таҳлил ва қонунларнинг тарғиботини таъминлаш бўйича Дастурига мувофиқ, Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ҳар йили бир неча марта болалар ва ёшлар ҳуқуқлари билан боғлиқ амалдаги қонунларнинг ёки Ўзбекистон Парламенти ратификация қилган халқаро ҳужжатларнинг ижросини ўрганади ва Қўмитанинг тегишли қарорларини қабул қилади. Масалан, 2012 йилда Қўмита томонидан Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция ҳамда «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг Наманган вилоятидаги ижроси ўрганилди. Вилоятда Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция тамойиллари, қоидалари, умуман, конвенция

талабларининг бажарилишини таъминлаш ва «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ижроси юзасидан бир қатор амалий ишлар қилинган.

Вилоят вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияси томонидан 2010-2012 йиллар давомида барча болалар оромгоҳларига «Ёзги болалар соғломлаштириш оромгоҳлари ташкилотчилари учун услубий тавсиялар тўплами» ва «Ёзги болалар соғломлаштириш оромгоҳларида тўғарақлар фаолиятини ҳамда маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этиш юзасидан тавсиялар» ишлаб чиқилиб, оромгоҳ етакчилари ҳамда масъулларга етказилган.

Амалга оширилган ишлар натижасида тўққизта шаҳардан ташқарида жойлашган оромгоҳда 5450 нафар, 67 та кундузги оромгоҳда 8305 нафар ҳамда ички ишлар бошқармаси профилактика ҳисобида турувчи вояга етмаганлар билан ёз мавсумида профилактика ишларини амалга ошириш мақсадида ташкил этилган ҳарбий-спорт соғломлаштириш оромгоҳида юз нафар, жами 13755 нафар бола соғломлаштирилган. Бу биргина вилоятда бир йилда амалга оширилган ишларга мисол, холос.

Аҳамиятлиси шундаки, бугунги кунда Ўзбекистонда ёшлар сиёсати билан давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари қаторида, нодавлат ва ношаро ташкилотлар ҳам шуғулланиши диққатга сазовор. «Камолот» ёшлар ижтимоий

ҳаракати, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, сиёсий партиялар, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Меҳр нури», «Сен ёлғиз эмассан», «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси каби нодавлат ношаро ташкилотлар ҳам кўплаб хайрли ишларни амалга оширмоқда.

Мамлакатимизда таълим тизимига катта эътибор қаратилди. Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолигида умумтаълим мактаблари учун 2004-2009 йилларга мўлжалланган Давлат дастури ишлаб чиқилди ва у ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилди. Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастури доирасида 8500 дан зиёд мактабда қурилиш-тиклаш ишлари бажарилган. Дастур доирасида қайта тиклаш ишлари амалга оширилган мактабларнинг 1326 таси ёки 16 фоизи шаҳарларда, 6887 таси ёки 81 фоизи қишлоқ ҳудудларида, 288 таси эса бориш қийин бўлган ҳудудларда жойлашган бўлиб, бу билан шаҳар ва қишлоқ мактабларининг моддий-техник базаси орасидаги тафовут барҳам топди. Шу йиллар давомида 1607 та мактаб тоза ичимлик суви билан таъминланди. 1163 та мактаб газлаштирилди, 1607 та мактаб телефон алоқаси билан таъминланди. Ўқитувчилар ва умумтаълим муассасалари ходимларини моддий рағбатлантириш ҳамда уларнинг меҳнатига ҳақ тўлашининг сифат жиҳатдан мутлақо янги ҳолатга кўтариш жорий этилди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш натижасида «ўрта махсус, касб-хунар таълими» деб аталган ноёб бир тизим шаклланди. Республикаимизда янги типдаги 1537 та ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаси қурилди ва уларда ўқил-қизларимиз энг замонавий талаблар асосида ўқитиляпти. 1998 — 2011 йилларда ўрта махсус, касб-хунар таълими даргоҳларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари ва компьютер техникалари билан таъминлашга давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 132,1 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланди. Охириги ўн йил давомида хорижий инвестиция лойиҳалари доирасида қарийб 234 миллион 600 минг АҚШ доллари миқдоридagi маблағ ўқув-лаборатория ва устахона жиҳозларини харид қилишга йўналтирилган. 1616 номдаги 7 миллион нусхада нашр этилган дарслик ва қўлланмалар, 131 номдаги электрон дарслик ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари базасида ташкил этилган ахборот-ресурс марказларига етказиб берилган.

Эртаси нурафшон, толеи сарбаланд юрт ҳеч кимдан кам бўлмайдиган баркамол авлоднинг камолидан жамол очиб боради. Шундай фарзандларига таяниб, юксак марраларни кўзлайди. Уларнинг шиддати билан довлонлар оша олға одимлайди. Шундан мақсадлар муштарак юрт тақдирида ҳам, инсон ҳаётида ҳам бир ҳолат кўзга ташланади, бу — юксалиш.

**Арслон ЭШМУРОДОВ,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик**  
**палатаси депутати,**  
**ЎЗМТДП фракцияси аъзоси**

## Юз нафар битирувчига иш нақд

Бешариқ агроиктисодиёт касб-хунар коллежи туманда ўзининг муносиб ўрнига эга таълим муассасаларидан биридир. Бу ерда айни кунда 1586 нафар қишлоқ ёшлари қатор йўналишлар бўйича таълим олади. Улар ўз касбининг моҳир устаси бўлишлари йўлида 118 нафар устоз ўз билим ва педагогик маҳоратини сафарбар этган.



Мазкур таълим масканида ҳам бошқа ўқув юртларидаги каби педагогик жамоанинг асосий қисмини ёшлар ташкил этади. Жамоанинг деярли етмиш фоизини ташкил этаётган ёш ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратини ошириш, ўз фани бўйича билимларини мустаҳкамлашига ҳам алоҳида эътибор қаратилляпти. Жумладан, уларга кўп йиллик педагогик тажрибага эга бўлган Махфуза Жўраева, Зуҳра Маҳкамова, Мухторжон Сотволдиев, Ҳабибжон Назиров ва Абдумутал Ҳалимов каби устозлар мураббийлик қилаётганини алоҳида айтиб ўтиш лозим.

Коллежда илғор педагогик технологияларни амалиётга жорий этиш, таълим жараёнларида ўқитишнинг янги усулларидан фойдаланиш бўйича ҳам кенг қамровли ишлар амалга оширилляпти. Жумладан, бухгалтерия йўналиши бўйича Махфуза Жўраева, физика фанидан Дилрабо Раҳмонова, биолог Севара Сайдахмедова ва инглиз тили фани бўйича Гулмира Азимова каби интилувчан ўқитувчиларнинг бу йўналишдаги ишлари бошқаларга намуна қилиб кўрсатса арзирли.

— Бундай дарслар ўқувчининг дарсга бўлган қизиқишини оширади, — дейди коллеж директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Музаффар Турдалиев. — Ўз ўрнида ўтилаётган мавзунинг яхши ўзлаштирилади. Натижада, ўқувчида ўз касбига қизиқиш, муҳаббат пайдо бўлади. Бу — яхши мутахассис тайёрлаш имконияти дегани.

Пухта билим натижаси ўлароқ, жорий йилда коллежни тамомлайдиган 386 нафар битирувчининг кўпчилиги айни кунда амалиёт ўташ жараёнида намуна кўрсатаётгани боис, ишга қолиш бўйича корхоналардан таклиф тушяпти. Мисол учун, тивувчилик йўналишини битираётган юз нафарга яқин қизлар тумандаги «Калораматекс» қўшма корхонасида амалиёт ўтаб, кўпчилиги шу ерда ишга қолиш бўйича шартнома тузаяпти.

**Нодиржон ЮСУПОВ,**  
**«Turkiston» муҳбири**

**СУРАТДА:** Биология ўқитувчиси Дилфуза Бўтаева ўқувчиларга Рекомбинат ДНК олиш мавзусида ДНК моделини тушунтиряпти.

Hademay mutaxassis bo'lishadi

Ogohlik

Кўйлик маиший хизмат касб-хунар коллежида одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш, ёшларни огоҳликка чақириш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирда Сергели тумани прокуратураси, ички ишлар бўлими ходимлари, коллеж ўқитувчи-мураббийлари ҳамда ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

## Ташвишни сотиб олманг!

— Бугун мамлакатимизда ёшларимизни ҳар томонлама қимматли инсон қилиб тарбиялаш, уларнинг маънавий, ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — деди туман прокурори ёрдамчиси Д.Бойматов. — Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 17 апрелдаги «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни ҳамда Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарориди белгиланган вазифаларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши ҳар биримизнинг ана шу йўлдаги муҳим вазифамиз ҳисобланади.

— Мамлакатимизда чет элда ишлаш ниятида бўлган фуқароларга кўмаклашувчи давлат органлари мавжуд, — деди тадбирда сўзга чиққан туман ИИБ ХООБ бошлиғи ўринбосари, подполковник Б.Содиқов. — Ўзбекистон Республикаси ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги бу борада самарали фаолият кўрсатиб, фуқароларни чет элдаги иш ўринларига қонуний жойлаштириш ҳамда уларнинг меҳнатини ҳуқуқий кафолатлаш билан шуғулланиб келмоқда. Чиндан ҳам фуқароларимизнинг чет давлатларга ишлаш учун қонуний йўл билан, меҳнат шартномаси асосида йўл олишлари улар ҳуқуқларининг кафолатланишини, ўз вақтида маош олишлари ва турар жойга, барча ходимлар каби ваколатларга эга бўлишларини таъминлайди. Афсуски, ноқонуний йўл билан чет элга ишга кетаётганлар топилади. Одам савдоси билан шуғулланганилар учун бундай кимсалар «хўрак» вазифасини бажаради.

Тадбирда иштирокчиларга одам савдосининг оқибатлари ҳусусида тўлиқ маълумот берилди.

**Назокат УМАРОВА**

# Илмнинг хос кишиси

Бир умр илмнинг хос одами бўлиб яшаш кишининг номини фидоилар қаторига қўшиш баробарида зиммасига улкан масъулият юклайди. Моҳир таржимон, таниқли мунаққид Ортиқбой Абдуллаевнинг фаолияти билан танишган киши унинг адабиётшунослик масъулияти ва заҳматини теран ҳис этиб, ёшларга ўрнак бўлиб меҳнат қилаётганига, яшаётганига ҳавас билан қарайди.



рофга муносиб хизматлари бор. «Шеърятнинг тиниқ осмони», «Ижоднинг қўшқаноғи» (профессор У.Норматов билан ҳамкорликда), «Қалбга йўл» каби китобларида шеърятимизни маҳорат билан тадқиқ этади. Унинг ютуқларига, бетакрор жиҳатларига ҳолисона, юксак савияда баҳо беради.

Ҳар бир мунаққиднинг ўз ижодкори бўлади. Олим шу ёзувчи ёки шоирнинг ижодини тадқиқ этиб, унинг адабиёт ривожига қўшган ҳиссасини ўрганади. Ортиқбой Абдуллаев илмий изланишларида йигирманчи аср миллий адабиётимизнинг ёрқин намояндаси Мақсуд Шайхзода ижодига мурожаат салмоқли ўрин тутди. Ортиқбой ака мунаққид, адабиётшунос сифатида адабнинг ҳаёт ва ижод йўлини, асарларини пухта, синчиклаб ўрганди. Билган, англаганларини адабиёт аҳлига чиройли, мазмунли тарзда тақдим этди. Дарвоқе, мунаққид Мақсуд Шайхзода-

нинг адабий-танқидий қарашлари мавзудаги илмий тадқиқотини бошлаганида университетни тугатганига икки-уч йил бўлган, бу заҳматли ишда унга марҳум мунаққид, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов илмий раҳбарлик қилганди.

Бадий таржима борасида ҳам Ортиқбой аканинг ўзига хос ва мос заҳматли меҳнати бор. Ўзбек китобхони олим таржимасида крим-татар адиби Айдар Осмоннинг «Олишув», «Биз бир дунёда яшаймиз» қиссаларини, Лев Толстой мактубларини ўзбек тилида ўқишга муяссар бўлди.

Ортиқбой Абдуллаев чинакам бахтли инсон. Чунки умрининг ўтган қисмини фақат илмга, эзгуликка бахш этди. Яна, уни севгучи, илмини, одамийлигини қадрлагувчи ҳолис дўстлари бисёр. Олим дўстимизнинг ҳар бир янги мақоласини, мағзи бутун, залворли илмий рисолаларини мутулаа қиладиган ўқувчилари-да кўп.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, филология фанлари номзоди, доцент, моҳир таржимон, атоқли мунаққид устозимиз Ортиқбой Абдуллаев ҳозирда айна ижодий кўтаринки паллада. Унинг шижоати ҳали ҳам тенгқур дўстларининг ҳавасини келтиради: ҳамон қалби илмга ташна, доим янги-янги асарлар таҳлили билан банд. Бу ғайрат олимга янги муваффақиятлар келтириб, мудом ҳамроҳ бўлаверсин!

**Музаффар АХМАД**

**Xushxabar**

# Узоқ изланишлар ҳосиласи

Бекобод туманидаги 11-мактабда музей очилди

Ўзининг ярим асрлик педагогик фаолияти давомида кўп изланишлар олиб борган тажрибали устоз, Ўзбекистон Республикаси Халқ ўқитувчиси Қосим Ёқубов ташаббуси билан ташкил этилган мактабда тарих музейининг очилиши сўнгги кўнги-роқ садоларига уланиб кетди.



Мустақиллик йилларида мактаб қиёфаси тубдан ўзгарди. Умуммиллий дастурга мувофиқ, 1110 ўринли ўқув биноси капитал реконструкция қилинди.

Айни дамда 984 нафар ўқувчига олтидан зиёд ўқитувчи-мураббий яратилган қулай шарт-шароитлардан унумли фойдаланган ҳолда сифатли билим беришга ҳаракат қилаётир. Барча ўқув ва лаборатория хоналари замонавий жиҳозланган. Ўттиздан ортиқ фан ва спорт тўғрисидаги олти юздан зиёд ўқувчи жалб этилган.

Муҳаббат Парпиева, Тамара Қосимова, Абдуғаффор Жабборов, Маҳбуба Алиева, Дилдора Мадумарова, Мавлуда Эрматова каби илғор ўқитувчиларнинг изланишлари самарали кечмоқда. Албатта, бунинг натижасида мактаб ўқувчилари фан олимпиадалари ва билимлар беллашувида юқори ўринларни эгаллаб келаётир.

Айниқса, мактаб жамоасининг спорт соҳасида қўлга киритган ютуқлари салмоқлидир. «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларининг республика босқичида

футбол бўйича мактабнинг икки нафар ўқувчиси иштирок этган бўлса, баскетбол бўйича ўғил болалар жамоаси 3-ўринни эгаллади. Шунингдек, мини футбол бўйича қизлар жамоаси туманда ғолибликни қўлга киритди. Мактабда «Ораста қизлар» тўғрисидаги ташкил этилган, унинг аъзолари вилоят ва республика танловларида муносиб қатнашиб келмоқда.

Мактабда тарих ва ўлкашуносликни ўрганишга катта аҳамият берилган. Мактабда музейни барпо этиш йўлида ҳам мактаб жамоаси тер тўкиб меҳнат қилди. Архив материалларини, ҳужжат ва суратларни, Далварзин тарихига оид осори-атиқаларни тўплашда ўқитувчилардан Тамара Қосимова, Наргиза Ёқубова, Сорахон Раимжонов, фахрий ўқитувчилардан Манзура-хон Деҳқонова, Соҳибжон Воҳидов жонбозлик кўрсатди. Ўқувчилар, оналар, маҳалла фаоллари яқиндан ёрдам беришди.

Мактаб музейининг айнан сўнгги кўнги-роқ кунда очилиши ўзига хос рамзий маънога эга. Чунки шу кун тантана муносабати билан собиқ битирувчилар, нафақадаги фахрий ўқитувчилар, ота-оналар, ташкилот ва муассасаларнинг вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари жамулжам бўлди. Битирувчи синф ўқувчилари ўз устозларига миннатдорлик туйғуларини байрам дастури орқали намойиш этишди.

Мактабнинг тарих музейига дастлаб устозлар ва меҳмонлар, сўнгра эса, ҳар бир синф ўқувчилари навбатманавбат киришиб, танишиб чиқишди. Мактаб музейининг очилиши барчада унутилмас таассурот қолдирди. Мактаб ўқитувчилари, устозлар айнан шу ернинг ўзида битирувчи синф ёшларига оқ йўл тилашди.

**Ашурали БОЙМУРОД,**  
**«Turkiston» муҳбири**



## От қадри

Австралиялик чавандоз Питер Муди ўз тулпорини 25-ғалабасидан сўнг нафақага чиқарди.

Қора икра лақабли бу от охириги 25 мусобақанинг барчасида ғалаба қозонган ва дунё рекордини янгилаган. Питер эса ўз отининг фаолияти ёрқин бўлганини, агар мусобақаларда қатнашишида давом этса, бундан-да юқори натижаларга эришиши мумкинлигини, лекин етти ёшдан (отлар учун бу катта ёш) ошган отга бирон қор-қол бўлишидан қўрқини айтиб ўтди. Маълумотларга қараганда, 210 минг долларга харид қилинган Қора икра ҳозирга қадар мусобақалардаги ютуқлари билан эгасига саккиз миллион доллар фойда келтирган. Айни пайтда чемпион от махсус фермадан чиқарилиб, эгасининг ҳовлисида яшаши кутилмоқда.

## Бутун шаҳар кафтдек намоён

Швеция пойтахти Стокгольм шаҳрида дунёдаги энг баланд карусел ишга тушди.

«Eclipse» дея ном олган бу аттракционнинг баландлиги нақ 120 метр. «Grona Lund» маданият ва истироҳат боғида қад ростлаган бу аттракцион 24 ўриндиқли. Соатида етмиш километр тезликда айланишни бошлар экан, аттракцион қий-чув, бақирлиқлар остида ўн икки креслони осмонга кўтарди. «Grona Lund» боғи маъмурияти сўзларига қараганда, аттракционда учаётганда бутун шаҳар кафтдек намоён бўлади. Янги аттракционнинг биринчи фойдаланувчиси швед астронавти Арне Кристер Фуглесанг бўлди. Айни вақтда дунёнинг кўп мамлакатларидан мазкур боққа меҳмонлар келмоқда.

## Машина капотидан хабардор бўлинг

Буюк Британиянинг Ноттингем шаҳри автомеханиклари машина капоти остида нақ етти кун қолиб кетган мушукни озод қилдилар.

Принцесса лақабли бу мушукча озод этилганда жуда қаттиқ чарчаган эди. Очлик ва ташналик уни қийнаб қўйганди. У «BMW» машинаси капотига кириб олган ва мотор деталлари орасида қолиб кетган. Бечора жонивор нима қилишини билмай радиатор шлангини тишлаб узиб ташлаган. Натижада, машинага берилган сигнал унинг эгасини устахона томон етаклади. Энди маълум бўлишича, мушукнинг радиатор шлангини узиб ташлагани яхшиликка бўлган экан.

**Интернет манбалари асосида**  
**Жавоҳир ҚАРОМАТОВ**  
**тайёрлади**

Ertaning egalari

## Сўнги кўнғироқ садоси

Тошкент шаҳридаги 84-мактабда «Сўнги кўнғироқ» тадбири бўлиб ўтди. Унда мактаб ўқувчилари ва ўқитувчилари иштирок этди.

Тадбир давомида бошланғич синф ўқувчилари томонидан тайёрланган, мактаб битирувчиларига аталган бадий дастур намойиш қилинди. Ўқув йили давомида фаоллик кўрсатган ўқитувчиларга бир қатор номинациялар бўйича фахрий ёрликлар топширилди.

Тадбир сўнгида битирувчиларнинг сўнги кўнғироғи жаранглаб, орзу-истакларнинг рамзи сифатида ҳаво шари осмонга кўтарилди. Мустақил ҳаётга учирма бўлаётган ёшларнинг қадрдон мактабни тарк этишни истамаётгани уларнинг юз-кўзидан билиниб турарди. Ана шундай битирувчи ўқувчилардан бирини суҳбатга чорладик.

— Ёшлигимдан санъатга қизиқаман, — дейди Муҳриддин Жуманбоев. — Бугун мустақил ҳаётга йўлланма олдик. Эндиги ниятим, Тошкент эстрада ва цирк коллежига ўқишга кириб, етук актёр бўлиш.

Битирувчиларнинг орзулари бир олам. Уларни кузатиб, Ватанимиз эртаси ана шундай ғайратли, шижоатли ёшлар қўлида эканлигидан ғурурланасан, киши. Зеро, яратилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланиш бугунги ёшлар зиммасидаги катта вазифалардан биридир.

Инобат МАТЁКУБОВА

Ilhom

### СЕНИ СОҒИНСАМ

Шукроналик — жонимга тўзим,  
Раҳминг келсин менга ҳам, эркам.  
Умидлардан умидни узиб,  
Нима қилай сени соғинсам!

Дув тўкилган бир япроқ — кўнглим,  
Фариштадай оқ байроқ — кўнглим,  
Хазон бўлиб саргайган куним,  
Нима қилай сени соғинсам!

Куйиб кетди бечора дилим,  
Соғинчлардан садпора дилим,  
Саҳро сувни қўмсаган каби...  
Нима қилай сени соғинсам!

### МУҲАББАТ

Муҳаббат — бедаво дард,  
Икки эшик ораси.  
Васлига етса зўр бахт,  
Айрилиқ қалб яраси.

Меҳрим — борса келмас йўл,  
Кўринмайди адоғи.  
Висол — сен силкиган қўл,  
Умид — кўнгил ардоғи.

Салоҳиддин ҲОТАМОВ,  
Самарқанд вилояти

### YON DAFTAR CHANGIZGA

Сув ичадиган қудуғинга тупурма.

Ўзбек халқ мақоли

«Turkiston» ва «Молодёжь Узбекистана» газеталари тахририяти жамоаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази Давлат таълим стандартлари бўлими бош мутахассиси, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, шоир

**Абдуғаффор ХОЛМАТОВ**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.



Таътилни ҳамма ҳар хил ўтказганидек, ҳар хил бошлайди ҳам!

Чилонзор туманидаги 103-мактабнинг 7-синф ўқувчилари Санжар, Фарруҳ ва Бобур ёзги таътилни пойтахт кўчаларини велик ва роликда мазза қилиб учидан бошлашди.

Қойил, болалар! Ажойиб!

Фақат сиз ҳам транспортда эканингизни ва йўл ҳаракати қондаларига риоя этишингиз шартлигини унутиб қўйманг!

Сардор МУЛЛАЖОНОВ фотолавҳаси

«Universiada — 2013»

## Сурхон ёшлари мусобақага тайёр

Бухоро вилоятида бўлиб ўтадиган «Universiada — 2013» спорт мусобақаларида қатнашиш учун Термиз давлат университети талабалари жамоаси ҳам пухта ҳозирлик кўрди.

Нуфузли спорт мусобақаси олдидан ўтказилган саралаш беллашувларида университетнинг барча факультетларидан йигит-қизлар фаол қатнашиб, ўз маҳоратини намойиш этди. Улар орасидан энг кучли, чаққон ва моҳир спортчи-талабалар саралаб олинди. Айти пайтда жамоа таркибида мамлакат ва халқаро мусобақалар ғолиблари

борлиги эътиборга сазовордир. Кураш бўйича жаҳон чемпиони Шароф Холмаҳматов, Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган аънавий XI халқаро турнирнинг мутлақ ғолиби Самижон Убайдуллаев, шахмат бўйича Ўзбекистон чемпиони Райҳон Дониёрова каби истеъдодли ёш спортчилар

дан таркиб топган жамоа «Universiada — 2013» спорт мусобақаларида Сурхондарё вилояти шарафини ҳимоя қилади.

— Мамлакатимиз олий таълим муассасалари талабаларининг спорт байрамида 49 нафар спортчимиз иштирок этади, — дейди Термиз давлат университети жисмоний тарбия назарияси ва методикаси кафедраси мудири, дзюдо бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси Илҳом Даминов.

Иштирокчилар барча шароитларга эга замонавий спорт иншоотлари — «Сурхон» спорт

мажмуаси, «Алпомиш» кураш мажмуаси, Термиз Олимпия захиралари коллежи, «Дельфин» сузиш ҳавзасида мусобақага тайёргарлик кўрди. Бу ишга энг билимли ва тажрибали мураббийлар жалб этилди.

Вилоят жамоаси мусобақаларда спортнинг энгил атлетика, кураш, дзюдо, шахмат, теннис, сузиш каби турлари бўйича фаол иштирок этиб, юқори натижаларга эришишни мўлжаллаётир.

Х.МАМАТРАЙИМОВ,  
ЎЗА муҳбири

Mutaxassis o'goh etadi

## Шўхликнинг оқибати

Шўхлик, бир қараганда, ёмон одат эмасдек. Аммо ҳар нарса ўз меъёрида яхши бўлганидек, шўхлик ҳам ана шу меъёрдан ошса, кулфат келтириши ҳеч гап эмас.

Содир этилаётган ёнғин ҳолатларининг айримлари ана шу ўйинқароқлик, шўхлик оқибатида келиб чиқаётгани ачинарли. Масалан, тўй бўлаётган хонадонларда болалар

кўпинча ўз ҳолига ташлаб қўйилади. Байрамларда айрим ота-оналарнинг фарзандларига пиротехник воситаларни олиб бериши ҳам кўп кўнгилсизликларга сабаб бўлаётир. Масалан, яқинда Тошкент шаҳрида яшайдиган бир боланинг қўлида пақилдоқ портлаб кетиб, бир кўзи кўр бўлиб қолган. Қашқадарёлик мактаб ўқувчиси эса пақилдоқ ва салютни ота-онасидан яширинча, пичан ғарамига яқин жойда отади. Қуриб ётган пичан пақилдоқ учқундан аланга олиб кетади.

Шу ўринда мактаб педагогик жа-

моаси, маҳалла фаоллари, оқсоқоллар, ота-оналар ҳушёр бўлиб, болаларнинг пақилдоқларни уйнашларига йўл қўймасликлари, ана шундай хавфли ўйинчоқларни сотаётганларни кўришса, ички ишлар идоралари ходимларини хабардор қилишларини сўраймиз. Зеро, бу ишга ҳаммамиз масъулият билан ёндашсак, фарзандларимиз соғлиғи ва уй-жойимизни ҳар хил кўнгилсизликлардан асраган бўламиз.

М.ПҮЛАТОВ,  
12-ХҲХО 23-ХҲХ  
Кичик инспектори, сафдор

### МУАССИС:

«КАМОЛОТ»  
ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ  
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон  
Республикаси  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида 2007  
йил 19 апрелда  
№ 0242 рақам  
билан рўйхатдан  
ўтган.



### Бош муҳаррир:

Ашурув Салим Тўраевич

### Тахрир ҳайъати:

Баҳодир Фаниев, Меҳриддин Шукуров (бош муҳаррир ўринбосари — «Turkiston»), Элмурод Нишонов (масъул котиб — «Turkiston»), Ирина Кочергина (бош муҳаррир ўринбосари — «Молодёжь Узбекистана»), Елена Калинина (масъул котиб — «Молодёжь Узбекистана»), Рустам Қосимов

### Навбатчи муҳаррир:

Юсупов  
Рустам  
Кўчқорович

### Саҳифаловчи:

Рўзиев  
Зафар  
Хусанович

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Манзилмиз: 100083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:  
(371) 233-95-97. (371) 233-79-69  
e-mail: info@turkiston.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида, А-3 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ.  
Корхона манзили: «Буёк Турон» кўчаси, 41.

Буюртма Г-543.  
Адади — 13598

Босишга топшириш вақти — 21.00  
Топширилди — 21.40  
ЎЗА якуни — 21.10

Офсет усулида босилган.

1 2 3 4 5 6